

**“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий
йиғилишининг 2016 йил
24 июндаги 33 - сонли мажлис
баённомасига 8 - сонли илова**

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1. Низомнинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда 25 июнда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилариға мувофиқ банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади”;

2. Низомнинг 7-банди “т” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“т) банк Кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлган ҳолларда банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда банкнинг аффилланган шахслари билан банк Бошқаруви томонидан битимларни тузишни олдиндан маъқуллаш”;

3. Низомнинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ушбу Низомнинг 7-банди “б”, “в”, “г”, “д”, “к”, “п”, “р” ва “т” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади”;

4. Низомнинг 14-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Барча акциядорларға, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъий назар бир хил муносабат таъминланади”;

5. Низомнинг 77-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Акциядорлар умумий йиғилишининг мажлиси йиғилиш раисининг таклифи билан аудио ва видеотасвирларға ёзиб олиниши ҳамда

қонунчиликни бузмаган ҳолда банкнинг расмий www.agrobank.uz интернет сайтида жойлаштирилиши мумкин”.